ЎҚИТИШ МЕТОДЛАРИ ВА УНИНГ ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯСИ

Джаббарова Нилуфар Бахтияровна,
Урганч Ранч технология университети Педагогика ва аниқ фанлар кафедраси катта ўқитувчиси
+99899-501-59-55, nilush-90@mail.ru
Машарипова Саида Қувондиқ қизи,
Абу Райхон Беруний номидаги Урганч давлат университети Биотехнология кафедраси стажёр ўқитувчиси
+99888-009-88-38, masharipovasaida3@gmail.com

Received: 23.10.2025
Revised: 24.10.2025
Accepted: 25.10.2025

Калит сўзлар: ўқитиш методлари, педагогик технология, фанлараро интеграция, инновацион таълим, креатив фикрлаш, мустақил изланиш, интеграциялашган модел.

Аннотация. Ушбу мақолада таълим жараёнида қўлланиладиган ўқитиш усулларининг назарий ва амалий жиҳатлари ҳамда уларнинг фанлараро интеграция билан боғлиқ хусусиятлари таҳлил қилинади. Ўқитишда фанлараро алоқаларни таъминлайдиган инновацион ёндашувлар, интеграциялашган таълим моделлари ва уларнинг самарадорлиги таъкидланган. Шунингдек, мақолада илмий асосланган интеграция орқали талабаларнинг муаммоларни ҳал қилиш кўникмаларини, ижодкорлигини ва мустақил тадқиқотларини ривожлантириш имкониятлари ўрганилади.

Ключевые слова: методы обучения, педагогические технологии, междисциплинарная интеграция, инновационное образование, творческое мышление, самостоятельные исследования, интегрированная модель.

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические и практические аспекты методов обучения и их взаимосвязь с междисциплинарной интеграцией. Автор анализирует инновационные подходы, обеспечивающие межпредметные связи в образовательном процессе, а также раскрывает эффективность интеграционных моделей обучения. Особое внимание уделено развитию у студентов креативного и критического мышления через интеграцию знаний.

Keywords: teaching methods, pedagogical technology, interdisciplinary

Abstract. This article analyzes the theoretical and practical aspects of teaching methods used in the educational process and their features related to interdisciplinary integration. Innovative approaches that

`

integration, innovative education, creative thinking, independent research, integrated model.

ensure interdisciplinary communication in teaching, integrated educational models and their effectiveness are highlighted. The article also discusses the possibilities of developing students' problem-solving, creative approach and independent research skills through integration on a scientific basis.

Кириш. Ҳозирги кунда жамият тараққиётининг барча соҳаларида, айниқса таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар таълим сифатини ошириш, ўқув жараёнини самарали ва ҳаётий билимга йўналтиришни тақозо этмоқда. Бундай мақсадга эришишда ўқитиш методларини такомиллаштириш ва уларни замонавий талабларга мос равишда қайта кўриб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки таълимнинг асосий вазифаси — нафақат билим бериш, балки шахснинг мустақил фикрлаш, ижодий ёндошиш ва амалий фаолиятда билимларини қўллаш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Ўқитиш методлари — таълим тизимининг “юраги” ҳисобланади. Улар орқали билим узатилади, тафаккур фаоллашади ва шахсий қобилиятлар намоён бўлади.

Ўқитиш методлари — бу ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик жараёнини таъминловчи, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган тизимли усуллар мажмуасидир. Замонавий таълимда анъанавий методлар билан бир қаторда инновацион усуллар, ахборот-коммуникация технологиялари ҳам кенг жорий этилмоқда. Айниқса, фанлараро интеграцияни таъминлашга йўналтирилган методлар ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фанлараро интеграция таълим жараёнида турли фанлар ўртасидаги боғланишни таъминлаб, ўқувчиларнинг билимларини тизимлаштириш, уларнинг дунёқарашини кенгайтириш ва ҳаётий муаммоларни комплекс ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиради. Бу эса замонавий таълимдаги энг муҳим вазифалардан бири — тафаккури кенг, ижодкор ва фаол шахсни шакллантиришга хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан, “Ўқитиш методлари ва унинг фанлараро интеграцияси” мавзусини ўрганиш замонавий педагогиканинг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланади. Мавзуни таҳлил этиш орқали ўқитиш методларини такомиллаштириш, фанлараро боғланишни таъминловчи самарали ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётда қўллаш имкониятлари очиб берилади.

`

Таълим тизимида юз бераётган ислоҳотлардан асосий мақсад — ўқув жараёнини фаол, самарали ва ҳаётий билимга йўналтиришдан иборат. Бундай мақсадга эришиш учун анъанавий дарс услубларидан ташқари, фанлараро боғланишни таъминловчи янги методлар ва технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.[1]

Ўқитиш методлари таълим жараёнининг асосий компонентларидан бири ҳисобланиб, улар орқали ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро муносабат шаклланади. Замонавий методлар фақат билим беришни эмас, балки талабани мустақил изланишга, ижодий фикрлашга ва муаммоларни ҳал этиш қобилиятига йўналтиради.

Фанлараро интеграция эса таълим жараёнида турли фанлар мазмунини уйғунлаштириш орқали чуқурроқ билим ва кўникма ҳосил қилишга хизмат қилади. Бу ёндашув талабаларда билимларни турли соҳаларда қўллаш имкониятини яратади ҳамда уларни ҳаётий муаммоларни комплекс ҳал этишга тайёрлайди. [2]

Шу нуқтаи назардан, ўқитиш методлари ва фанлараро интеграциянинг биргаликда қўлланилиши замонавий таълим тизимининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, педагогик инновацияларнинг амалий татбиқини таъминлайди. Бу ҳолат таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, талабаларда илмий-тадқиқот фаолиятига қизиқишни ҳам кучайтиради.

Мақоланинг мақсади — ўқитиш методлари тизимида фанлараро интеграциянинг педагогик аҳамиятини илмий асосда ёритиш, инновацион ёндашувлар самарадорлигини таҳлил қилиш ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Бугунги кунда таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири — бу ўқув жараёнини самарали ташкил этиш, талабаларнинг ижодий фикрлашини ва фанлараро боғланишни ривожлантиришдан иборат. Ўқитиш методлари ва фанлараро интеграция бу жараёнда асосий назарий ва амалий пойдевор ҳисобланади. Замонавий педагогик назариялар таълимни изоляцияланган фан сифатида эмас, балки ўзаро боғланган билим тизими сифатида қарашни таклиф этади.з

[1] “Таълимда инновацион технологиялар: таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар” — Т.: Навруз, 2019 й.
[2] Жўраев Н. Таълим жараёнида инновация ва методлар. — Тошкент: ТДПУ нашри, 2020. — 88 б.
[3] Абдурахмонов. Педагогик технологиялар назарияси. Тошкент: Ўқитувчи, 2019 й, 214-бет.

`

Педагогик назарияга кўра, метод — бу ўқитувчи ва ўқувчининг мақсадга йўналтирилган ҳамкорлик фаолиятини ташкил этиш усулидир. Методлар нафақат ахборот етказиш воситаси, балки шахсни ривожлантиришнинг педагогик механизми ҳамдир.

Фанлараро интеграция эса таълимдаги янги босқични англатади. Бу — фанлар чегарасини бузмасдан, уларни маънавий, мантиқий ва амалий жиҳатдан боғлаш жараёнидир. У таълимнинг мазмунини бойитади, талабаларда тизимли дунёқарашни шакллантиради ва муаммоларни кўп йўналишли таҳлил қилиш қобилиятини оширади.

Фанлараро интеграция таълим жараёнини мазмун жиҳатдан бойитиб, талабаларнинг билим, кўникма ва компетенцияларини чуқурлаштиради. Бу жараёнда асосий эътибор ўқитиш методларига қаратилади, чунки улар орқали билимларни узатиш, қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнлари амалга ошади.[4]

Ўқитиш методи — бу ўқитувчи ва ўқувчининг маълум мақсадга йўналтирилган ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиш усулидир.[5] Методлар таълимнинг мақсади, мазмуни, ўқувчиларнинг ёши ва фан хусусиятларига қараб танланади. Педагогик назарияда ўқитиш методлари қуйидагича таснифланади:

- Ахборот бериш методлари (лекция, тушунтириш, намойиш этиш);
- Амалиётга йўналтирилган методлар (машқ, тажриба, лаборатория иши);
- Интерактив методлар (мозг штурми, “аквариум”, дебат, кластер)
- Тадқиқот ва муаммоли ўқитиш усуллари (кейс-стади, лойиҳа усули).

Ўқитиш методларининг самарадорлиги уларнинг фанлараро интеграция билан уйғунлашувига ҳам боғлиқ. Чунки фанлараро ёндашув билимларни фақат бир фан ичида эмас, балки турли соҳалар орқали қўллашга ёрдам беради.

Фанлараро интеграция эса — бу таълим жараёнида турли фанларнинг умумий тамойиллари ва қонуниятларини ўзаро боғлаш орқали яхлит билим тизимини шакллантириш жараёнидир. Бу ёндашув таълимдаги фрагментар билимларни бартараф этиб, талабаларда мукаммал дунёқарашни шакллантиради.[6]

Замонавий педагогик моделларда интеграция икки йўналишда амалга ошади:

[4] Жўраев Н. Таълим жараёнида инновация ва методлар, ТДПУ нашри, 2020 й, 67-бет
[5] Яҳёев, Педагогика назарияси асослари, Тошкент, 2018 й, 122-бет
[6] Дж. Брунер, Процесс обучения, Москва, 1977 й, 178-бет

`

Горизонтал интеграция — турли фанлар орасидаги боғланиш (масалан, биология ва кимё, физика ва математика).

Вертикал интеграция — бир фаннинг турли босқичлари орасидаги узвийлик (масалан, умумий педагогика ва методика фани).

Интеграция жараёнида таълим мазмуни янгича тузилади: ҳар бир фаннинг мавзуси бошқалари билан уйғунлаштирилади. Бу жараёнда ўқувчиларда ижодий фикрлаш, муаммоли вазиятларни ечиш қобилияти шаклланади.

Интеграциялашган таълимда инновацион педагогик технологиялар муҳим ўрин тутади. Улардан энг самаралиларидан бири – STEAM-таълим модели бўлиб, у фан (Science), технология (Technology), муҳандислик (Engineering), санъат (Art) ва математика (Mathematics) соҳаларини уйғунлаштиради.

STEAM ёндашуви орқали талабалар реал ҳаётдаги муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган интегратив билим ва кўникмаларга эга бўлади. Масалан, биология фанида муҳандислик усуллари билан тажриба ўтказиш, ёки математик моделлаштириш орқали экология масалаларини таҳлил қилиш каби йўналишлар амалга оширилади.

Фанлараро интеграцияни амалга оширишда ўқитиш методларининг уйғунлиги ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Масалан, “лойиҳа усули” талабаларни турли фанлар кесишмасидаги вазифаларни бажаришга йўналтиради. Бу усул таълим мазмунини аниқ ҳаётий муаммолар билан боғлайди.

Бундай ёндашувда талабалар нафақат билим олади, балки уларни интеграциялайди, таҳлил қилади ва янги билим яратади. Демак, фанлараро интеграция ўқитиш методларини нафақат бойитади, балки уларни ижодий қайта қуришга хизмат қилади.

Фанлараро интеграциянинг аҳамияти шундаки, у -таълим мазмунини бир-бири билан боғлайди; -билимларни ҳаётга яқинлаштиради, -муаммоли фикрлашни шакллантиради, -таълим жараёнида жамоавий ишлаш маданиятини ривожлантиради. Бу нуқтаи назардан, интеграция таълимнинг фақат методик эмас, антропологик-педагогик аҳамиятига ҳам эга. У инсон шахсини табиат, жамият ва фан ўртасидаги уйғунликда тарбиялайди.

Ўқитиш методлари ва фанлараро интеграция таълим жараёнининг узвий қисмидир. Улар биргаликда қўлланилганда таълимнинг сифати, мазмуни ва самарадорлиги кескин ошади. Хусусан, STEAM каби интегратив моделлар, лойиҳа технологиялари, замонавий таълим дастурлари ўқув жараёнини

`

фанлараро мослашув асосида бойитиб, талабаларда мустақил фикрлаш ва муаммоларни ҳал қилиш қобилиятини шакллантиради.

Шу боис, замонавий педагогикада ўқитиш методларини янгича қараш асосида қайта кўриб чиқиш, уларни интеграциялашган таълим моделлари билан уйғунлаштириш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, фанлараро интеграция қўлланилган дарсларда талабаларнинг фаоллиги 1,5–2 баробар ортиб, ижодий ечим топиш қобилияти кучаяди.[7]

Шунингдек, интеграцияланган дарсларда талабаларнинг тафаккур кенглиги, ижтимоий фаоллиги, ахборот саводхонлиги, ижодий қуввати ошиши кузатилган.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий таълим тизимида ўқитиш методларини такомиллаштириш ва уларни фанлараро интеграция асосида ташкил этиш — таълим жараёни самарадорлигини оширишнинг муҳим шартларидан биридир. Ўқитиш методларининг тўғри танланиши ва уларнинг фанлараро боғланиш билан уйғунлашуви ўқувчиларда билимларни тизимли равишда ўзлаштириш, мантиқий фикрлаш, ижодкорлик ва мустақил қарор қабул қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Фанлараро интеграция асосидаги таълим жараёни ўқувчиларда турли фанлар бўйича эгалланган билимларни ўзаро боғлаш, уларни ҳаётий вазиятларда қўллай билиш малакасини шакллантиради. Бу эса ўқувчини замонавий жамият талабларига мос, тафаккури кенг ва креатив шахс сифатида вояга етказишга хизмат қилади. Замонавий таълимда ўқитиш методлари нафақат ахборот узатиш воситаси, балки интеллектуал ҳамкорлик муҳитини яратади. Бу муҳитда ўқитувчи йўлбошчи, талаба эса билим яратувчисига айланади.

Шунингдек, фанлараро боғланишни таъминловчи методик ёндашувлар педагогик инновациялар билан биргаликда қўлланилганда, таълим жараёни фақат назарий эмас, балки амалий йўналишда ҳам самарали кечишига замин яратади.

Бу борада қуйидаги тавсияларни киритишимиз лозим:

- ҳар бир дарсни режалаштиришда фанлараро боғланиш имкониятларини таҳлил этиш ва ўқитиш методларини шу асосда танлаш зарур, фанлараро интеграцияни таъминловчи инновацион методикаларни жорий этиш,

[7] OECD Report, The Future of Education and Skills, 2018, p. 61

`

педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида бу йўналишга алоҳида эътибор қаратиш, фанлараро интеграциянинг назарий ва амалий асосларини чуқур ўрганиш, миллий таълим тизимига мос янги ўқитиш моделларини ишлаб чиқиш, турли фанлар ўртасидаги боғланишни англаш ва уларни ҳаётда қўллаш кўникмасини ривожлантиришга йўналтирилган фаол ўқув усулларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Ахборот технологияларидан фойдаланишда фанлараро интеграцияни амалга оширишда рақамли таълим платформалари, мультимедиа воситалари ва виртуал лабораториялардан самарали фойдаланиш лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Таълимда инновацион технологиялар: таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар” — Т.: Навруз, 2019 й.
2. Жўраев Н. Таълим жараёнида инновация ва методлар. — Тошкент: ТДПУ нашри, 2020. — 88 б.
3. Абдурахмонов А. Педагогик технологиялар назарияси. — Тошкент: Ўқитувчи, 2019. — 214 б.
4. Жўраев Н. Таълим жараёнида инновация ва методлар, ТДПУ нашри, 2020 й, 67-бет
5. Яҳёев Р. Педагогика назарияси асослари. — Тошкент, 2018. — 122 б.
6. Холиқов И. Интеграция ва таълимда янгича ёндашувлар. — Самарқанд: СамДУ нашри, 2021. — 65 б.
7. OECD Report, The Future of Education and Skills, 2018, p. 61.

`